

## Адабиётшунос олим, таржимон Иброхим Гафуров билан суҳбат

**- Иброхим ака, Сизни сўз муҳиблари закий мунаққид, етук таржимон, мохир адиб ва танглайи китоб билан кўтарилган зиёли деб билади. Ижозатингиз билан бадиий таржима мавзусида суҳбатлашсак. Менимча, таржимага асар танлашингизнинг ўзи бир мактаб. Хамиша “баланд дорга осилгансиз” – муаллифларни чертиб-чертиб танлайсиз, кўлга илинган асарни енг шимариб, таржима килиб кетавермайсиз. Айтматов, Достоевский, Жойс, Маркес, Мопассан, Распутин, Сартр, Тургенев, Фолкнер, Хемингуэй... Салафларни ўзбекча гапиртириб, таржимани “тўйга боргудек” даражага етказгунча, йиллар давомида игна билан кудук казидингиз. Саволим “иши битиб, улови лойдан ўтган” китобхоннинг ношукурлигига ўхшаб колса, маъзур тутасиз. Таржимага харжлаган кувват ва фурсатни бадиий ижодга йўналтирганингизда, бўй баравар магзи тўк романлар ёзишингиз мумкин эди. Умрингизнинг талай йили ўзингиз қолиб, бошка адибларни юзага чиқаришга кетганидан жилла бўлса-да ачинасизми?**

– Дунё марҳаматли ва ранг-баранг. Ранг-баранг ва марҳаматли. Хар кимнинг чекига нимадир тушади. Чекимга сўз ва нафосат дунёсида танкид, таржима ва мансура тушган. Романлар ёзилмаганидан афсусланмайман. Романларга гоё бўла оладиган фикрлар устида ишлаганман. Мансураларнинг гали келади. Таржималарнинг ҳам гали келади. Таржималаримда жумла, жумлаларда нурли рух ва кучли ифодавийлик, бутунлик, бадиият бор. Шунчаки таржима эмас улар.

Мўъжизакор илохий Куръон одамзодга нозил ки-линган асрда Исхок Шомий деган ажойиб таржимон ва донишманд ўтган. Унинг хикматларини улуг олим ва тадқиқотчи Сергей Аверинцев кўхна оромий тилидан русчага ўгириб қолдирган. Исхок Шомий хикматлари теранлигининг қиёси йўқ. Кўхна оромий тилини билмайман. Аммо Сергей Аверинцев таржимаси воситасида бу мўъжизага ошно бўлдим. “Юрак яшаган чоғда, хиссиёт тугайди. Хиссиётнинг жонланиши юрак учун ўлим. Хиссиёт жонланган чоғда, бу Худо олдида юрагимизнинг ўлгани белгисидир”. Оддий сўзлар билан айтилган поёнсиз хикмат. Буни илк бор ўқиганимда, ўзимни ҳеч нарса ёзмагандай ва ёзмаслигим керакдай сезганман. Бундай сўз олдида хар қандай қибр, хар қандай димоғдорлик, хар қандай ифтихор маъносиз, тамомила маъносиз бир нарсага айланиб қолади. Исхок Шомийдан беш юз йил кейин чўл тўрғайидай ҳаволаниб инсон сирини очган Яссавий ва Бокиргонийни, Мажнуннинг Мажнунлигини тушунгандай бўлади одам. Мен Исхок Шомийнинг мўъжиза сўзларини ҳали тушуниб етганим йўқ. Байрон хиссиётни саждага айлантиради. Хар сўзи демонсирайди. Сўзнинг сохирсоз оламларида хар қалам рангин тажриба-да.

**– Бир суҳбатингизда таржима пайти хар бир сўзни тегирмонга дон солгандек юрагимга солиб, тинимсиз айлантираман, деб ташбих қилгандингиз. Мусохаба бахона ижодий лабораториянгизга бирров бош суқишга изн берсангиз. Хемингуэй “Алвидо, курул!”нинг хотимасини ўттиз тўққиз марта ёзиб чиққан экан. Сўзга ниҳоятда талабчан Маркес “Бузрукнинг кузи”ни бошдан-оёқ ўн беш топқир тахрир қилган экан. Одатда, қўлёзмаларни қайта-қайта тахрир қиласизми?**

**Дейлик, “Бузрукнинг кузи” роман-эпопеяси таржимаси кандай кечган?**

– 1978 йили ёзувчи Одил Ёкубов Масковдан Габриэль Гарсиа Маркеснинг “Бузрукнинг кузи” романини кўтариб келди. У пайт атокли адиб билан Давлат бадий адабиёт нашриётида бир хонада рўпарама-рўпара ўтириб хизмат килардик. Одил ака ўзбек адиблари пайдар-пай ёзаётган роман ва кассаларнинг кўлёмаларини ўқир, муаллифлар билан узок чўзилмай лўнда-лўнда гаплашар, Масковнинг тарбиясини олган эмасми, гапнинг пўсткалласини айтиб кўя колар, муаллифлар унинг фикрларини инобатга олишарди. “Самолётда шу романни ўкиб колдим. Масковда тоза шов-шув бўляпти. Илгари бунака романни ҳеч ўқиган эмасман. Баъзан одам боласи ёзганмикин, шунчалар хаёл, фантазия, мифология зўр, дейман. Ўзбек тилига ўгириб бўлармикин, кани, охиригача ўкиб чиқай-чи...”.

Одил Ёкубов романни таржима килишни кўнглига тугиб юрди. У кунда-кунора канда килмай ўтадиган кундузги ва кечки давра суҳбатларида роман хақидаги таассуротларини айтар, гурунг берарди. У асарларни ўқувчи сифатида эмас, ёзувчи сифатида ўқирди. Одил аканинг ёнида юриб, ниҳоят, ўқувчи сифатида ўқиш билан ёзувчи сифатида ўқишнинг фаркига борганман. Ёзувчининг китоб ўқиши бу – тўла маънодаги харёклама ижодий иш. Бу ўқиш жараёнида фикр тинимсиз ишлайди, хаёл тўхтовсиз парвоз килади. Ёзувчида ўзини безовта килиб юрган нарсалар кандайдир бахтиёр ечим топгандай, ижодий ниятларда янги йўл ёки йўналиш очилгандай, илхом учкунлари хар томонга чарсиллаб отилаётгандай бўлади. Толстой, Достоевский, Бальзак каби улуг адибларнинг кундаликлари, ёзишмаларини, китобларини ҳам оддий ўқувчи каби эмас, ёзувчи каби ўқиганликлари, мутолаа асносида хаёл ва фикр шоввалари бир зум тарк этмаганлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Хозир буни чин маънодаги интеллектуал ўқиш деб айтиш ўринли. Гоялардан гоялар, ниятлардан ниятлар тугиладиган ўқиш бу...

Одил Ёкубов кейин китобни менга ўқишга берди. Ўша пайтда “Телба” романи устида бош кўтармай ишлаётган эдим. Аммо адабий жамоатчилик ўртасида Маркес асарлари, чунончи, “Бузрукнинг кузи” худди Чингиз Айтматов китоблари каби фаол ўкилиб, фикр юритилиб тургани учун бу асардан беҳабар “билмасвой” бўлиб юришни ўзимга муносиб кўрмадим. Одил ака: “Пиримкул ҳам ўқимокчи”, дедилар. Китоб кўлимга теккач, бир хафтада хатм килдим. Воқеалар бу кадар зич, бу кадар таранг, мифологияси, мифологик тафаккури бу кадар бой асарга илк бор дуч келишим эди. Албатта, “Ок кема”нинг нолакорлиги жондан кетмас, наслий жарохатдай тирик эди. Аммо Маркес бутунлай бошка олам, ўзга китъа хаёти тажрибалари. “Бузрукнинг кузи” менда мухаббат уйготмади. Мен чексиз хайратга гарк бўлдим. Хайрат ва мухаббат бошка-бошка нарсалар эканлигини англадим.

Кейин янги аср кирди. “Жахон адабиёти” журнали чиқиб, ҳаммамизни қувонтирди. Глобал – ялпи дунёга туташдик. Ер қурраси битта. Темир девор, темир панжара орқасида кандай бикиниб яшайсиз? Журнал менга Нитше ва Маркес таржимасини топширди. Маркесни яна бир қайта тадқиқотчи назари билан ўқидим. Хақиқатан, яна у одам кўли билан ёзилганга ўхшамади. Уни энди одам кўли билан кандай таржима килиш мумкин? Одил Ёкубов тарихий роман катламлари ичига кириб таржимага вақт ва имкон топмади...

Бир куни Пиримкул ака: “Маркесни ўгирибсиз. Номини нима килдингиз?” деб сўрадилар. “Бузрукнинг кузи” дедим. “Ха-а-а...” дедилар. Бошка гап айтмадилар.

– **Бузрук оригиналда ҳам (patriarca), инглизча таржимада ҳам (patriarch) айни**

**шаклда қўлланилган. “Патриарх” қандай қилиб “бузрук”ка айланди?**

– Бу ном бирдан ва дафъатан тугилгани йўқ. Унгача бир канча вариантлар назардан кечирилди. “Бузрук” сўзи Бокиргонийни ўқиб ўтирганда, миямда лип этиб ёнди. Аслиятга тўла монанд концептуал ном топмагунча таржимага қўл уриш мумкин эмасдай туюлди. “Бузрук” “қуз” билан ички-ташки охангдошлик касб этди. Таржима принципнинг учи топилгандай бўлди. Уни маҳкам тутиб роман лабиринтлари ичига кўркмасдан кириб бордим.

Мумтоз матнларнинг хусусиятларидан бири – уларга бошка ҳеч нарсани қўшиб ва олиб ташлаб бўлмайди. Мумтоз матн аслиятдаги киммати баробарида бошка тилга ўгирилади. Мумтоз асар ҳар қандай бошка тилда ҳам мумтозлик салоҳиятини саклаши, мумтозлик хосиятидан ҳеч нарсани бой бермаслиги, йўкотмаслиги шарт. Бунинг учун заргар диккати, заргар меҳнати, заргар нигоҳи, заргар талабчанлиги лозим. Эътиборлиси, инжик заргар ўзи яратган буюмга қайта-қайта сайкал беришдан ҳеч қачон эринмайди.

Адиб, таржимон ҳам шундай. Таржимоннинг сайкали – таҳририда, қайта-қайта таҳририда. Таҳрирда матн илма-тешик бўлиб кетади. Матнга ишлов беришнинг чеки йўқ.

Мумтоз таржима матни шундай ишловдагина яратилади. Таржимашуносликнинг “аслият услубини чиқариш”, “бадий услубни қайта яратиш” сингари тушунчалари мавжуд. Яъни таржимада Тургенев Тургеневдай, Гончаров Гончаровдай, Достоевский Достоевскийдай бўлиши керак. Кучли таржимон – кучли муҳаррир ҳам! Бунга мен Зулфия, Абдулла Каххор, Асқад Мухтор, Хамид Гулом, Ўткир Хошимов, Миркарим Осим, Ваҳоб Рўзиматовнинг ижодий меҳнати тимсолида гувоҳ бўлганман...

**– Илгари Гарб адабиёти намуналари ўзбекчага асосан рус тилидан ўгирилган. Рус тили воситачи тил (медиум) вазифасини бажарган. Табиийки, огиздан огизга ўтган ривоятнинг саҳихлигига путур етади. Колаверса, воситачи тилда йўл қўйилган камчиликлар учинчи тилга ўтганда ҳам айнан тақрорланиши эҳтимоли катта. Бу ҳолатда – аслиятнинг охори тўқилмаслиги, гози йўқолмаслиги учун мутаржим қандай йўл тутиши керак?**

– Воситачи тил орқали бадий таржимада аслият услуби ва, айникса, персонажлар нутқи, диалогларнинг ўзига хос жонли жихатларини чиқариш кийинрок кечади. Сўзларда ифодааланган миллий ўзига хосликлар, характерли ҳолатлар сийқаланиб кетиши эҳтимоли йўқ эмас. Бундай “йўқотиш”ларга йўл қўймаслик таржимоннинг ёзувчи ва унинг айнан шу асарини канчалар тўғри, теран тушуниши, канчалар нозик билимдонлик билан идрок этишига боғлиқ. Эрудиция ва интуиция ҳар қандай таржимада иштирок этиши ўзгармас зарурат каби қаралади. Айникса, у воситачи тил орқали таржимада аслиятга яқинликни саклашда сув ва хаводай зарур. Шу икки муҳим нарса бўлмаса, таржимага хаваскорлик “хуснбузар”и тошиб кетади. Хамма гап аслиятни канчалар тушунишда, тушуниб талкин этишда. Хемингуэйнинг инглизчадан русчага ҳамда инглизчадан ўзбекчага ўгирилган “Килиманжаро қорлари”, “Френсис Макомбернинг омонат бахти” асарларини бир сира қиёслаб чиксак, эрудиция, интерпретация, интуиция каби тушунчалар амалда қандай натижаларга олиб келгани, канчалар жиддий бадий ўзгаришларни юзага чиқарганини кузатамиз. Бадий таржима қонун-қоидалари, принциплари универсал, ўзгармас қимматга эга ва уларни билмаслик, мэнсимаслик, риоя қилмаслик профессионал яроксизликка олиб боради.

**– Огрикли масаладан гап очдингиз. Бугун ажнабийчада бурро-бурро сўзлашадиган авлод етишиб келяпти. Тили бийрон ёшларимиз сафи кенгаяётгани нур устига нур. Лекин айрим хаваскорлар хорижий тилнинг зеру**

**забарини пухта ўзлаштирмай, гарк пишган олма дарахтига тирмашган бола-бақрадек ўзини бадий таржимага ураётгани чаток-да. Баъзида таржимачилик Навоий, Бобур, Огахий каби улугларимиздан колган табаррук мерос экани унутиб кўйиляпти, баъзида эса курук “воситаи жох” бўлиб қоляпти. Ахир, бадий таржима бачкана махси тикиш эмас-ку. “Алдайвераман, алдайвераман, ким билсин, балки туйкус доно гап айтиб юборарман” дейди Достоевский персонажлардан бири. Айрим графоман-таржимонларда ҳам “Ўгиравераман, ўгиравераман, балки туйкус бирорта зўр таржима чикиб колар” деган таги пуч даъво бор, шекилли. Хойнахой, италянларнинг “Traduttore – traditore” (“Таржимон – хоин”) маколи ҳам кўлёмаси устабузар тилмоч кўлига тушиб, ситам чеккан бирор муаллиф томонидан тўкилган бўлса керак... Иўлни тор олаётган бўлсам, айтаверинг, балки кенгбағирлик килиш, мутолаага ялпи муносабат сусайган бир даврда бадий таржимага кўл ураётган химматли хавасманднинг елкасини қокиб кўйган маъкулдир. Нафсиламри, таржима салтанатига кириш учун “Сим-сим, оч эшигингни!” дегандек ўрон кўйиш керакми?**

– Хар бир ишни шу ишга лаёкати ҳамда хақиқий кизикиши бор одамлар қилгани маъкул. Хар бир касб-хунар, мутахассислик аслида қисмат. Таржимонлик ҳам ижодкорлик каби қисмат. Сермашаккат хунар. Бошқа соҳаларда ярқисиз бўлган одам кун кўриш учун ёки осон деб таржимонликка ўзини урса, бунда ҳам, албатта, ярқисизлик қилади. Киши ўз-ўзини яхши англамагунча ва қисмат амрини масъулият билан ҳис қилмагунча ижтимоий жабахаларда адашиб-улоқиб юришга маҳкум. У ўзига ҳам, жамиятга ҳам кўп ортикча ташвишлар келтиради. Лаёкатлилиқ коэффициентлари ишлаб чиқилган. Олий ўқув даргоҳларига ёки ишга қабул қилишда шу лаёкатлилиқ коэффициентига жавоб беришига қараб баҳолаган маъкул.

**– Жаҳон адабиётида хар бир авлоднинг ўз таржимаси бўлиши лозим, деган қараш бор. Масалан, Михаил Булгаковнинг “Уста ва Маргарита”си италян тилига ўн хил талқинда ўгирилган. Бир асарга турли авлод мутаржимларининг қайта-қайта муружаат этишини қандай баҳолайсиз?**

– Инсониятга керакми, бадий ҳамда фалсафий даражаси юксак китобларнинг таржималари янгилашиб бораверади. Атоқли таржимон Кодир Мирмухамедов катта жасорат билан Хомернинг “Илиада” ҳамда “Одиссея” дostonларини рус тилидаги энг яхши таржималаридан ўзбекчага ўғирди. Тили равон, салмоқли, ўқиганда ичига оханрабодай тортиб кетади. Хўш, шу шарафли таржима неча йилга чидайди? Ўн йил, юз йил, икки юз йилгами? Биз бунга жавоб беролмаймиз. Бу ўзбек тилининг бадий, илмий, фалсафий, маданий қобилияти қанчалар сакланиши, ўсиб-ривожланиб, халқни, миллатни қанчалар бирлаштириб, илхомлантириб туришига боғлиқ. Аммо бирор таржимон бир кунмас-бир кун юнон тилини Хомер микёсида ўрганиб, инсониятга бешиқ бўлган бу асарларни аслиятдан ўзбекчага ағдариш фикрига тушиб қолмайди, деб қим айта олади? Ўшанда у албатта Кодир Мирмухамедовнинг олижаноб, эзгу тажрибасига ҳам суянади. Ўзидан олдинги авлод вақили бу ишга тамал тошини қўйганидан миннатдор бўлади. Ўшанда анъана ҳам бошланади. Ўзбек адабиётида Хомерни таржима қилиш анъанаси...

**– “Сўз сўйлашда ва улардан жумла тузишда узок андиша керак” деб ўғит беради хассос ёзувчимиз Абдулла Кодирий. Ўқувчи (тингловчи, томошабин) дидини аёвсиз жизганак қилаётган бозор адабиёти ва тижорий ўзандаги**

**театр-кино Андишадан мосуво экани аччик хакикат. Кўлбола молини усталик билан бадиият намунаси сифатида кўрсатишга уринаётганлар эчкининг чандирини барра кўй гўшти деб ўтказаётган суллох кассобдан фарк килмайди. Сизнингча, санъат никобини тутган жўнлик, саёзлик, ўртамиёналик, дидсизлик билан кандай курашиш мумкин? Шишадан аллакачон чикиб кетган девни унга кайтариш йўли борми? Ё, айрим зиёлиларимиз маслахатига кириб, лойка оқаётган дарёнинг тинишини кутиш керакми? Сув тингунча, асов дарё анча-мунча кўприкни бузиб-янчиб-ювиб кетмайдими? Таржимоннинг ўқувчи дидига мослашишини ёк(ок)лайсизми?**

– Таржимон хам, ёзувчи хам ҳеч қачон дид-фаросатда замондош ўқувчига мослашиб, тенглашиб ижод қилолмайди. Ижодкор хамма вақт дид-фаросат, виждонлиликда замондан, замондошларидан анча олдинроқда юради. Бўйи омманинг бўйига баравар, қилиги омманинг қилигидан фарк қилмайдиган, ўз фикрига эга бўлмаган киши кандай қилиб ёзувчи, шоир, санъаткор, танқидчи, таржимон бўлиши мумкин? Йўқ, ижодкор хамма вақт чуқурроқ ўйлайди, узокрокни кўради, умум манфаатини ўткирроқ, теранроқ тушунади. Шунинг баробарида у ижодкор деб аталади. Одамлар ўқимади деб, Жойс, Флобер, Достоевский, Кафка, Нитше, Беккет, Ионескони таржима қилмай ўтираверсак, бизни ким ижодкор деб тан олади? Бизни инсоният маданиятларидан ким баҳрадор қилади? Мослашиш маданият табиатига, ижтимоий вазифасига тамомила зид. Мослашиш – оммавий маданиятнинг энг суюкли усули, ўйинчоги. Оммавий маданиятга ўнг-терси кўринмайдиган, бош-кети бир бўлиб кетган оммавий эрмак керак.

– **Таникли адиб Хуршид Дўстмухаммад “Хар кандай миллий адабиётнинг нуфузи “Жараён” ўша тилга ўгирилган-ўгирилмагани билан белгиланади” деб ёзганди. Франц Кафканинг доврүкли асари Вафо Файзуллох таржимасида ўзбек ўқувчиси кўлига етиб борди. Хуршид аканинг мулохазасидан келиб чиксак, бемалол ўмганимизни кўтарсак бўлади. Сизга қолса, миллий адабиётнинг “бўйи”ни қайси асарлар таржимаси билан ўлчайсиз? Замонавий ўзбек таржимони қайси муаллифларга кўпроқ эътибор қаратиши зарур?**

– Хозирги миллий адабиётнинг бўйини хам, энини хам муайян бирон асар билан ўлчаб бўлмайди. Миллий адабиёт бугун ва эртага хам ўзини қидиришда давом этади. Жуда-жуда кўплаб оммавий адабиёт, оммавий санъат намуналари яратилади. Одамлар уларга кўникадилар. Санъат, адабиёт шу экан-да дейдиган, чумчукни саъвадан, булбулни каркунокдан ажратолмайдиганлар хам кўпайгандан-кўпаяди. Улар наинки адабиётнинг виждони, балки инсониятнинг виждони хақида хам ўйламай кўядилар ва бундай савол кўйилганда, шу хозир керакми, одамзод энди бензиннинг қайгусини қилсин, дейдилар. Шундай шароитда хам миллий адабиёт инсонга нима керак: бир қарич ерми ё бир бурда нонми, деб изланишда давом этади. Бугун ва узок-якин эртага инсониятга тўғри йўл кўрсатолган, муаллимлик қилган, ахлоқ, ахлоқ ва яна ахлоқни одамзодни саклаб қолишнинг ягона қуроли деб билган адиблар, файласуфлар, таълимотчилар мададга келадилар. Бизнинг мададқоримиз ва олисларни ёритувчи машъаламиз классика! Навоий, Бобур, Толстой, Флобер, Бальзак, Стендаль, Достоевский, Тагор, Кодирий, Чўлпон, Руссо, Вольтерга борайлик! Аввало, аклимиз, сўнг хиссиётларимизни тарбиялайдиган асарларни доим кўз ўнгимизда тутайлик, қулогимизни шуларга осайлик, юрагимизни шуларга очайлик. Классика ўлган эмас! У доим долзарб, доим актуал, доим бизга хамдард!

– **Жалолиддин Румийда шундай хикоят бўларди. Форс, араб, турк ва юнон**

**иттифоко бир дирхам топиб олибди. Акча бор жойда галва хам чиқади-да: тўртовлон тангага нима харид қилиш масаласида ўзаро довлашиб қолибди. Форс – ангур, араб – инаб, турк – узум, юнон – истофил сотиб олишни таклиф қилибди. Бир-бирини тушунмаган тўртовлон ўзиникини маъқуллаб тураверибди. Можародан ўнлаб тилни биладиган зукко зот (полиглот) хабар топибди. Тўртовлон аслида бир нарсани харид қилмоқчи эканини тушунтириб, мурасага келтирибди... Бу-ку, олис ўтмиш хикояти. Лекин хозир хам – дунё “глобал қишлоқ”ка айланиб, миллатлар бир-бирига жонсарак талпинаётган даврда тилмочга эҳтиёж ошгандан-ошяпти. Бир дирхам устида гижиллашиб қолган тўртовлон ривоятини бежиз эсламадим. “Кўлнинг қири” деб хар қанча қатта қетмайлик, минг таассуфки, қунимиз шу зормандасиз ўтмайди. Айникса, қалам ахли қўнглидаги покиза туйгуларни бегард сақлаши, қучини ўтин ёришга сарфламаслиги учун хам акча зарур. Бир пайтлар таржимашунос олим Гайбулла Саломов мутаржимларни моддий рағбатлантириш зарур, деб хўб қуюнғанди. Хозир-чи, бу борада ахвол қандай? Нашриёт ва тахририятларда таржима учун белгиланган қалам хақи, моддий рағбатдан қўнглингиз тўладими?**

– Таржимадан ўзим учун эстетик, гоёвий манфаатларни биринчи ўринга қўйдим. Таржима адабиётимизнинг оталари бўлган Қутб Хоразмий, Сайфи Саройи, Алишер Навоий таржимани халқнинг маънавий баҳрадорлиги деб тушунган ва бу улуг гоёни адабий-ижтимоий принцип даражасига қўтарган эдилар. Таржимада – баҳрадорлик, баҳрадорликда – таржимонлик. Бу олижаноб принципдан ортик моддий рағбат, манфаатдорлик йўқ.

**– Ирланд ёзувчиси Жеймс Жойснинг “Улисс”и XX аср романчилигининг ноёб намунаси деб баҳоланади. Дунё интеллектуалларига қудратли таъсир кўрсатган роман таржимаси хам хар бир миллий адабиёт учун ХОДИСА деса дегудек. Машаққатли меҳнат ва дақиқ изланишларингиз маҳсули ўлароқ, ўзбек қитобхонсеварлари “Улисс”га маҳрам тутинди. Балки сабрсизлик қилаётгандирман, лекин “Улисс” қаби салмоқли роман таржимасидан кейин фикр ахли ўртасида жонли тортишувлар, тигиз муҳокамалар авж олиши керак эди. Қарангки, бундай бўлмади. Жойсни, майли, “хос”лар ёзувчиси, деб турайлик. Лекин неча замонки, Достоевский, Маркес, Мопассан, Айтматовдан таржималарингиз хам довюрак тадқиқотчиларга илҳак-да... Умуман, охириги йиллар таржимашунослик хийла заифлашгани таассуф билан қайд этиляпти. Жезга хар қанча ялтир-юлтур чаплаган билан тиллага айланиб қолмайди. Қолаверса, “ойнаси бор қишининг бари Искандар” бўлмайди. Жезни тилладан, чин Искандарни қаллобидан ажратиб берадиган таржима танқидини қучайтириш қанчалик муҳим, деб ҳисоблайсиз?**

– Албатта, таржима ижоди билан биргалликда, елкама-елка таржима танқиди хам ривожланиб бориши лозим. Булар бирини биридан ажратиб бўлмайдиган соҳалар. Таржима танқиди таржимашуносликнинг тарқибий қисмидир. Хар икки соҳа адабий танқид, адабиётшунослик хамда тилшунослик билан ёндош, бақамти иш қўради ва ижодий йўналишларни белгилайди, шакллантиради, жараёндаги характерли хусусиятларни очиб, ёритиб боради. Таржимачиликка адабий танқид билан бирга таржима танқиди ўз мезоний талаблари орқали, жараёни жаҳон таржима санъатида рўй бераётган ижодий-илмий ходисалар билан қамбарчас боғлаган ҳолда қучли таъсир кўрсатиши мумкин. Биз таржима, таржимашунослик, таржима танқиди йўналишида

жахонда, Гарб ва Шарк мамлакатларида килинаётган улкан микёсдаги ишлар, ўзгаришлар, изланишлар, янгиланишларни жон-дилдан кузатиб бориш, кўлдан келганча уларга хиссамизни кўшишни истардик. Ўзбекистонда таржима ва таржимашунослик жахон мактабларига узвий боғланиб боришини орзу қиламиз. Катта миллий адабиётимизнинг кўлами, таржима мактабларимизнинг кўхна тарихи ва уларда шаклланган принциплар (шархлар, тафсирлар, маънолар таржималари, воситачи тил орқали таржи-ма намуналари, ижодий мусобакалар, шариат, илоҳиётшуносликка доир асарлар таржимаси) шуни такозо этади. Аммо булар хали орзу, холос. Хорижий тиллар ва айникса, инглиз тилини чуқур ўрганиш давлат микёсида кенг йўлга кўйилаётгани, бунга катта эътибор қаратилаётгани келажакнинг умидбахш уфклари очилаётганини кўрсатади.

Ёшлардан умид катта. Улар инглиз, рус, француз, немис, испан, италян, араб, хинд, форс, хитой, япон, турк тилларини чуқур билиш заминидан ўз изланишлари доирасига Гарб ва Шарк таржимашунослиги, лингвис-тикаси манбаларини ҳам кенг жалб қилсалар, уларни амалиётда таҳлил ва талкин этсалар, тадқиқотларнинг концептуал-аналитик жабҳасини кучайтириб берсалар, ўн-ўн беш йил ичида бу соҳа жахон таржимашунослигининг узвий жонли қисми каби яшай бошлайди. Хозиргача бажарилган илмий ишлар, тадқиқотлар рус тилида кейинги ярим асрда нашр этилган илмий манбаларга суяниш, уларни хўжақўрсинга қайд этиш билан чекланиб қолмоқда, жахон манбаларига мурожаат этишга ожизлик қилмоқда. Бугунги таржима танқидидаги ожизликлар, хафсаласизлик, саёзлик, сийкаликларнинг асосий сабаби назариядаги шу каби умум ночорлик билан боғлиқ. Тил ўрганишнинг ўсиши илмий-тадқиқотчилик харакатининг кучайиши, юксак савияга кўйилиши билан бирга уйғун бориши зарур. Сохаларга эса фақат шу ижодий, илмий ишларга аён лаёқатли кишиларгина жалб этилиши керак.

**– Французларда миллатпарварлик кучли. Айникса, ўз тилини химоя қилишда Оврўпадаги бирор миллат уларга бас қелолмайди. Инглиз тилида бирор истилоҳ пайдо бўлса, фаранглар хаялламай унинг “эгизаги”ни ўйлаб топишади. Хатто курраи арзнинг турли давлатларида бемалол-бедаллол истифода этилаётган computer, software, email, blog, supermodel каби байналмилал сўзларнинг ҳам французча муқобили бор. Франсуа Рабле тилининг расмий кўрикчиси – Француз академияси 1635 йилдан бери тилбузарларга қарши “қилич ва қалқон билан” қурашиб қеляпти. Академиянинг айрим баёнотларига лаққа тушган одам, “мустабид” инглиз тилининг дастидан “бахти қаро” француз тилига қун йўқ экан-да, деб ўйлайди. Аслида-ку, фаранг забони жуда ўлар ҳолатда эмас – дунё тилларидан бири мақомида собит турибди. Лекин жароҳатни газак олмасидан даволашга ўрганган фаранглар тилини ҳам харислик билан ихоталайди. Она тилини кўз қорачигидек асраш борасида улардан анча-мунча ибрат олсак, зарар қилмаса керак. Узок йиллар “маърифат чопари” (Пушкин таъбири) рутбасида жонбозлик кўрсатган, Сўз хизматида сочи оқарган мутаржим сифатида айтинг-чи, бугун она тилимизни авайлай оляпмизми?**

– Дунё тилларнинг ранг-баранглиги, ирқларнинг ранг-баранглиги билан ҳам жозибали. Агар Худо одамларнинг манфаатлари учун оламнинг ранг-баранг бўлишини истамаганида эди, ҳаммани бир хил, бир тусда, бир тилда сўйлашадиган қилиб яратиш унинг изму ихтиёрида эди. Аммо бир хил қилмади. Нега? Одамлар бир-бирларига жозибали кўринсинлар, бир-бирларига интилсинлар деди. Тортиш қучи – дунё

оханрабосининг марказига ранг-барангликни кўйди.

Тилни эъзозламаган, унга эътиборсиз, борми-йўкми, фаркига бормайдиган кимсаларда қандайдир ноқислик, ожизлик, синиклик кўзга ташланиб туради. Тил одамни гўзал қилади, жамоавийлик туйғусини уйғотади ва кучайтиради. Тиллар ранг-баранг бўлмаса, миллатлар ранг-баранг бўлмасди. Араб, рус, инглиз тилининг ёнбошида қадим ўзбек тилининг борлиги нақадар гўзал, нақадар маънодор! У Куръонни баён қилиб, Куръон тилига, Инжилни баён этиб, Инжил тилига, “Одиссея”ни баён этиб, “Одиссея” тилига, “Улисс”ни баён этиб, “Улисс” тилига айланди. Нақадар гўзал бу ранг-баранглик! Шунинг қудратини сезмайсизми таржималарда! Ипақдай чийратма, ўн минг даража хароратда ҳам қулга айланмайдиган жумлаларда! Улар худди Коинотнинг қора ўпқонидан ёғилаётган шуълалардан битилгандай! Кечагина бир китоб ўқидим, Бухоро лаҳжасида босилибди. Яна бир китоб кўрдим, Хоразм шеvasида ёзилган. Барака топқур, қани қудратли ўзбек адабий тили?! Нега сиз уни инкор этмоқчи бўласиз? Лаҳжа даражасига тушасиз? Навоий қошида уялмайсизми? Қодирий олдидан юзингиз қизармайдими? Қунигиз омавий маданиятнинг “Уялмасанг, хар ишни қилавер” қондасига қолдими? Энди онадан азиз, отадан улуг тилимизнинг юзига тупроқ сочасизми? Ўнглининг! Уялинг! Асралмагани асрамас!

**– Иброҳим ака, боя таржимон меҳнатини заргар машакқатига ўхшатдингиз. Одатда, заргар аҳли инжиклик билан халфа танлайди. Ардоқли сирини учраган одамга дастурхон қилгиси қелмайди-да. Негадир таржимада шогирд тайёрламадингиз. Нахот, сўзгарлик хунарингизни ўрганишга муносиб, қўқсида лаҳча чўғи бор қоракўз топилмаган бўлса? Густоқликка йўймангу, Сиздек устозларнинг шогирд хозирламаётгани ҳам мактаб кўрмаганларнинг тегирмонига сув қуймаяптими?..**

– Сўфийга мурид қандай мақом ва ҳолда бўлса, адабий устозга шогирд ҳам шундай мақом ва шундай ҳолатда. Имоним қомилки, устозу шогирд бир танбир жон бўлиб қетгандагина, икки ўртада батамом уйғунлик тугилгандагина мавжуд. Акс ҳолда, бу ўқитгану ўқиган, муаллиму толиб муносабатларидир. Сўфийлар устоз – шогирд муомала-муносабатларининг энг юксак ахлоқий даражасига қатъиян риоя қилганлар. Шогирд ўсиб, устоздан ўзиб кета бошласа, сўфий дарҳол уни бошқа, ўзидан қучлироқ устоз сўфийга хавола қилиб жўнатган. Мансур Халлож, Хожа Ахрор Валий қаби улуг сўфий донишмандлар таржимаи ҳолида бунинг улуг ибратли мисоллари бор. Сўфийлардан ўрганадиган ахлоқ мўъжизалари кўп. Аммо уларнинг устоз – шогирдлик (пир – муридлик) аънаналари биз учун бениҳоя қимматли. Шогирд деса, хар жихатдан арзийдиган мумтоз зотлар бор, Худога беҳисоб шуқур! Аммо уларга устоз қерақмикин? Ҳамма гап шунда!

Мен эса устозларимга юқиниб, улар ҳақида ҳол-беҳол нафис мажлислар тузиб, қамтарин сўзларимни ҳамиша улар пойига сочиб, бошимни мўъжиза дафтарларидан қўтармай таржима йўсинида изланиб, шогирдлик бурчларимни Аллох имкон берганча адо этиб қеляпман. Худо ҳамма нарсани билувчи, кўрувчи, эшитувчи, охириги сўз – Униқидир.